

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
ҚАРОРИ**159 Шошинч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шошинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон Фармони ижро этиш юзасидан, шунингдек шошинч тиббий ёрдам тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида:

1. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказининг бош директори лавозими;

Худудий соғлиқни сақлаш бошқармаси аппарати тузилмасида бошқарма раҳбарининг ўринбосари — Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази филиалининг директори лавозими жорий этилсин.

2. Қуйидагилар:

шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази минтақавий филиалининг намунавий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Чора-тадбирлар дастури деб аталади) 5-иловага мувофиқ маъқуллансин. Чора-тадбирлар дастури қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган:

фуқароларнинг малакали тиббий хизмат кўрсатишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;

тез тиббий ёрдамнинг тезкорлигини, сифати ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш;

тез тиббий ёрдам хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда

махаллий ва илғор хорижий илмий ишланмалар натижаларини миллий амалиётга жорий этиш, шошилинч тиббиёт тизимини ташкил этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш, унинг амалиётига замонавий илмий-техник воситаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Чора-тадбирлар дастуридан келиб чиқувчи тадбирлар тўлиқ даражада ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ҳар йили Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларни бажаришга зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

5. 2017 йилдан апрель ойидан бошлаб соғлиқни сақлаш муассасаларининг эскирган ва фойдаланилмаётган автотранспорт воситаларини кимовшди савдоларида сотишдан тушган маблағлар маҳаллий бюджет даромадига тақсимланмасдан, тез тиббий ёрдам хизмати учун республикада ишлаб чиқарилган ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларини сотиб олишга мақсадли йўналтирилган ҳолда тўлиқ ҳажмда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамида жамланиши механизми жорий этилсин.

6. 2017 йил 1 апрелдан бошлаб:

тез тиббий ёрдам хизматининг ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларига техник ва сервис хизмати кўрсатиш уларни тегишли ҳудудий ихтисослаштирилган автобазага бериш йўли билан ҳудудий даражада марказлаштирилсин;

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг филиаллари орқали сотиб олиниши ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг тез тиббий ёрдам кўчма бригадаларини таъминлаш марказлаштирилсин, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Молия вазирлиги билан биргаликда Дори воситалари ва тиббиёт буюмларини марказлаштирилган тартибда сотиб олиш ва тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадаларини таъминлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Пре-

11 (771)-сон

— 37 —

159-модда

зидентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев зиммасига юклан-
син.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 16 март,
ПҚ-2838-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 16 мартдаги
ПҚ–2838-сон қарорига
1-ИЛОВА

Шошинч тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич
тиббий ёрдам илмий маркази
ТУЗИЛМАСИ**



* Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси юридик шахс мақомига эга.

Марказ ходимлари, шу жумладан бошқарув ходимлари умумий чекланган сони тегишли штат меъёрларига мувофиқ белгиланади.

Минтақалар филиаллари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 16 мартдаги ПҚ–2838-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилнч
тиббий ёрдам илмий маркази минтақавий филиалининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Изоҳ: марказнинг минтақавий филиали ходимларининг чекланган умумий сони, шу жумладан бошқарув ходимлари сони тасдиқланган штат нормативларига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 16 мартдаги
ПҚ-2838-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам
илмий марказининг
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) шошилич, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамни ташкил этиш ва кўрсатиш бўйича даволаш ва илмий-методик муассаса, шунингдек шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ихтисослашиш турлари бўйича тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув база ҳисобланади.

2. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Марказ давлат муассасаси шаклида юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, Марказнинг тўлиқ номи кўрсатилган муҳрга эгадир.

4. Марказнинг тўлиқ номи:

давлат тилида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази;

рус тилида — Республиканский научный центр экстренной медицинской помощи Министерства здравоохранения Республики Узбекистан.

5. Марказ Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарход кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган.

2-боб. Марказнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

шошилич тиббиёт соҳасида тажриба алмашиш ва қўшма тадқиқотлар олиб бориш бўйича етакчи хорижий ихтисослашган ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш.

7. Марказ юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

республика аҳолисининг шошилич, тез ва кечиктириб бўлмайдиган

тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг самарали ва юкори малакали усулларига бўлган эҳтиёжини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлинмалари билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда табиий ва техноген ҳалокатларнинг тиббий оқибатларини бартараф этишда иштирок этади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан бирга-ликда шошилиш ҳолатлар профилактикаси ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича аҳоли орасида санитария-маърифий иш олиб боришда қатнашади;

Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиаллари фаолиятига раҳбарлик қилади ва улар билан маслаҳат бериш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилади, шунингдек улар мониторингини олиб боради ва назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига кирадиган тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-методик раҳбарлик қилишни таъминлайди;

шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона стандартлари ишлаб чиқиши ва тиббиёт муассасалари амалиётига жорий этилишида иштирок этади;

илғор хорижий тажриба ҳисобга олинган ҳолда шошилиш, тез ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдамнинг илғор самарали усуллари ва технологияларини жорий этади;

шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббиёт соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг кўриб чиқиши учун киритади;

тиббиёт илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг тегишли бўлинмалари томонидан бажариладиган шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиради (Диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган кенгаш);

Марказнинг таркибий ва минтақавий бўлинмаларининг илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини клиник синовлардан ўтказиши;

ўзининг илмий ва технологик ютуқларини чет элда тиббиёт ҳамжамияти олдида намойиш қилади;

шошилиш ва тез тиббий ёрдам бўйича ўзининг илмий, ўқув-методик ва ахборот-маълумотнома материалларини тайёрлайди ва нашр этади;

илмий-тадқиқот ишлари натижаларини, шу жумладан шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини тиббий фаолиятга кенг жорий этади;

ўз ихтисослиги бўйича юқори малакали мутахассислар мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

шошилинич тиббиёт соҳасида тиббиёт кадрлари тайёрлаш, уларни ихтисослаштириш ва уларнинг малакасини ошириш учун ўз клиник базасини тақдим этади;

шу жумладан клиник ординатура, катта илмий ходимлар институти (стажерлар-изланувчилар) орқали тиббиёт кадрларини тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва малакасини оширади;

назарий билимларни ўзлаштириб олишнинг амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш билан мустаҳкам алоқаси асосида «шошилинич тиббий ёрдам» мутахассислиги бўйича тиббиёт таълим муассасаларида таълим сифатининг ошишига фаол кўмаклашади.

3-боб. Марказнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Марказ ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

Марказ фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар, дори воситалари ва бошқа моддий-техник воситаларни мавжуд молиявий ресурслар доирасида, мустақил равишда, белгиланган тартибда харид қилиш;

Марказ фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган статистик ва таҳлилий ахборотни тегишли вазирликлар ва идоралардан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали сўраш ва олиш;

шошилинич тиббий ёрдам тизимини такомиллаштиришга, шошилинич ва кечиктириб бўлмайдиган оммавий ҳолатларига олиб келувчи фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишининг олдини олиш ва хавфини камайтиришга йўналтирилган таклифларни Соғлиқни сақлаш вазирлигига киритиш;

шошилинич тиббий ёрдам бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда қатнашиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ташкил этилган интеллектуал мулк объектларига муаллифлик ҳуқуқини олиш ва ундан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ етакчи хорижий ихтисослашган ташкилотлар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

илмий, методик ва амалий конференциялар, семинарлар ўтказиш;

шошилинич тиббий ёрдамни ташкил этиш соҳасида масалаларни ҳал этиш учун хорижий мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, профессионал тиббий таълим соҳасидаги илмий-методик, ўқув ва ахборот материалларини чоп этиш ва тарқатиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бюджетдан ташқари маблағлар жамғармаларини шакллантириш;

ўз ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш чораларини кўриш ҳуқуқига эгадир.

9. Марказ:

шошилич тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида диагностика ва даволашнинг замонавий халқаро стандартлари даражасида даволаш-диагностика ишларининг тезкорлиги ва юқори сифати таъминланиши;

Марказнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларига, шунингдек Тошкент шаҳридаги Тез тиббий ёрдам станциясига маслаҳат, методик ва техник ёрдам кўрсатилиши ташкил этилиши;

кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар профилактикаси, диагностикаси ва даволашнинг янги технологияларини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотларнинг юқори даражаси таъминланиши;

шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг шифокорларини ва ўрта тиббиёт ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун жавоб беради.

4-боб. Марказ фаолиятини ташкил этиш

10. Марказга белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бош директор бошчилик қилади.

Марказни жорий бошқаришни бош директорнинг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор амалга оширади.

11. Бош директор:

Марказ фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Марказга юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Илмий-методик кенгаш таркибини шакллантиради;

Марказ директорининг ўринбосарларини ва Тошкент шаҳридаги Тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокорини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

Марказнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Марказ ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12. Директор:

Марказ номидан ўз фаолиятини амалга оширади, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади, Марказ номидан шартномалар тузади, Марказнинг жорий фаолияти билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

Марказ ишини ташкил этади ва бошқаради, ўз ваколатлари доирасида Марказ ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, уларни лавозимга тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

республика аҳолисига шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида ўз

бўлинмалари ва филиалларининг фаолиятини тизимли равишда тиббий-статистик таҳлил қилади;

Директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13. Қўйидагилар Марказнинг мол-мулкини молиялаштириш манбалари ҳисобланади:

давлат мулкини ташкил этадиган асосий воситалар;

бюджет маблағлари ва ўз фаолиятини амалга ошириш учун жалб этиладиган бошқа маблағлар;

мурувват, хайрия, ҳомийлик, меценатлик, техник ва бошқа ёрдам йўналишида тушадиган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа йўналишлар бўйича тушадиган маблағлар.

14. Марказнинг мол-мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати унинг мустақил балансида акс эттириладиган бошқа бойликлардан иборат бўлади.

15. Асосий воситалар фойдаланиш ва тезкор бошқариш ҳуқуқи Марказга биркитиладиган бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкдан ҳосил бўлади.

16. Марказ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этади, ҳужжатлар сақлаши ва уларнинг келишилган рўйхат бўйича давлат томонидан сақланишга берилиши учун жавоб беради.

17. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 16 мартдаги
ПҚ–2838-сон қарорига
5-ИЛОВА

159-модда

**Тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
I. Фуқароларнинг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган норматив -ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тез тиббий ёрдамнинг сифатини ошириш учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш						
1.	Куйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш: Тез тиббий ёрдам хизмати тўғрисида низом; жиҳозлаш табеллари ҳамда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш нормативлари; тез тиббий ёрдам хизматини ихтисослаштирилган автотранспорт билан таъминлаш нормативлари, ундан фойдаланиш ва ҳисобдан чиқаришнинг чекланган муддатлари.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2017 йил III чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
2.	Куйидагиларни тасдиқлашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш: Мувофиқлаштириш-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирларнинг комплекс режаси, шу жумладан ягона ахборот базаси ва маълумотлар узатиш тармоғини ташкил этиш, Мувофиқлаштириш-диспетчерлик хизматларининг ҳудудларнинг давлат кадастри ресурсларини ўз ичига оладиган миллий геомакон маълумотлардан фойдаланишини таъминлаш; Мувофиқлаштириш-диспетчерлик хизматларининг Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АКнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2017 йил II чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ИИВ, ФВВ, «Ўзтрансгаз» АК, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2017 й.

— 46 —

II (771)-сон

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
3.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ва тез тиббий ёрдам кўрсатувчи бошқа ташкилотлар учун статистика ҳисоботининг ягона электрон шаклини яратиш.	Комплекс чора-тадбирлар	2017 йил II чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирликлар ва идоралар
4.	Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона стандартларини тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил I чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
5.	Ихтисослаштирилган ва умумий тармоқли кўчма бригадалар ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилувчи бригадалар учун тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона стандартларидан келиб чиқиб клиник протоколларни тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил IV чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
II. Тез тиббий ёрдам хизматининг тезкорлигини, сифатини ва ундан фойдаланиш даражасини ошириш						
6.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассасалари ва тез тиббий ёрдам кўрсатувчи бошқа ташкилотлар учун тез тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона стандартларини жорий этиш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил II чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7.	Тез тиббий ёрдам хизматининг диспетчерлари учун қақриқларни қабул қилиш протоколларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил I чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
8.	Тез тиббий ёрдам хизматининг бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари билан самарали ўзаро ҳамкорлиги механизмларини жорий этиш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил I чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
9.	Шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали ахборот-маърифий ишларни ташкил этиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятини кенг ёритиш.	Комплекс чора-тадбирлар	Доимо	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, МТРК
III. Тез тиббий ёрдам хизматининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда маҳаллий ва илғор хорижий илмий ишланмалар натижаларини миллий амалиётга жорий этиш, шошилинч тиббиёт тизимини ташкил этиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш						
10.	Халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда «тез тиббий ёрдам» фани бўйича олий тиббиёт таълим муассасаларининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш.	Ўқув дастурлари	2017 йил II чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
11.	«Тез тиббий ёрдам» йўналишини ишлаб чиқиш ва клиник ординатуранинг ўқув дастурларига жорий этиш.	Клиник ординатурада йўналиш ташкил этиш	2017 йил II чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
12.	Жаҳон стандартлари асосида тез тиббий ёрдам врачларини профессионал тайёрлаш даражасини яхшилашни назарда tutувчи уларнинг малакасини ошириш тизимининг ўқув дастурларини такомиллаштириш.	Янгиланган ўқув дастурлари	2017 йил I чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
13.	Илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда Мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизмати диспетчерлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил I чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
14.	Халқаро тажриба ва замонавий технологиялар асосида шошилич тиббий ёрдам хизмати ходимларининг узлуксиз тиббий таълими тизimini такомиллаштириш.	Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғи	2017 йил III чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
15.	Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизimini такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни ишлаб чиққан ҳолда «Шошилич тиббий ёрдамни ташкил этишнинг долзарб масалалари» мавзусида ҳар йилги халқаро илмий-амалий конференция ўтказиш.	Тадбирлар режаси	Ҳар йили	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
16.	Маҳаллий ва илғор хорижий илмий ишланмалар натижаларини ўрганиш ва профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологиялари самарадорлигини кучайтириш ва ошириш мақсадида шошилич тиббиёт соҳасига кенг жорий этиш.	Тадбирлар режаси	2017 йил IV чорак	-	-	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
IV. Тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш, унинг амалиётига замонавий илмий-техник воситаларни ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш						
17.	Тасдиқланган нормативларга мувофиқ тез тиббий ёрдамнинг кўчма бригадаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан bosқичма-bosқич таъминлаш, шу жумладан ушбу мақсадлар учун уларнинг ҳажмини 2017 йилда 2016 йилдагига қараганда камида 2 баравар кўпайтириш.	Ҳар йили тасдиқланадиган смета харажатлари	2017 — 2020 йиллар шу жумладан 2017 йил	49 393,0 млн сўм 8 516,2 млн сўм	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
18.	2017 — 2020 йилларда: 240 та объектни мукамал таъмирлаш; 369 та объектни жорий таъмирлаш йўли билан тез тиббий ёрдам хизмати бинолари ва хоналарининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш.	Манзилли рўйхатлар	2017 — 2019 йиллар	12 000,0 млн сўм 7 380,0 млн сўм	Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
19.	1200 та ихтисослаштирилган автотранспорт, шу жумладан: «Саломатлик 3» лойиҳаси доирасида Жаҳон банки маблағлари ҳисобига 231 та; Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига 619 та; Давлат бюджети маблағлари ҳисобига 50 та; 150 та (эскирган автомашиналарни сотишдан); грант ва донорлик маблағлари ҳисобига 150 та ихтисослаштирилган автотранспорт сотиб олиш йўли билан тез тиббий ёрдам хизматининг (шу жумладан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг) автопаркини янгилаш.	Ихтисослаштирилган автотранспортнинг техник тавсифини тасдиқлаш	2017 йил	6 525,8 минг АҚШ доллари 21 479,3 млн сўм 1 735,0 млн сўм 5 205,0 млн сўм 4 237,5 минг АҚШ доллари	Жаҳон банки «Саломатлик 3» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари Давлат бюджети маблағлари Бюджетдан ташқари маблағлар Халқаро молиявий институтлар ва донорлар грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АК
20.	Тез тиббий ёрдам хизматининг 420 та ихтисослаштирилган автотранспортни мукамал таъмирлаш.	Ихтисослаштирилган автотранспортни мукамал таъмирлаш	2018 — 2020 йиллар	4 200,0 млн сўм	Давлат бюджети маблағлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
21.	Тез тиббий ёрдам хизматининг 465 та ихтисослаштирилган автотранспортини тиббий ускуналар комплекслари билан жиҳозлаш (тўлиқ жиҳозлаш).	Тиббиёт асбоб-ускуналарининг техник тавсифини тасдиқлаш	2017 — 2020 йиллар	16 871,4 млн сўм 4 848,5 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари Жаҳон банки «Саломатлик 3» лойиҳаси доирасида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
22.	Тезкор бошқаришни, кўчма бригадалар фаолиятини мувофиқлаштиришни, ахборотни қабул қилиш ва уни қайта ишлашни, шунингдек Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва «Ўзтрансгаз» АКнинг шошилинч хизматлари билан ўзаро ҳамкорликни назарда тутувчи тез тиббий ёрдам хизмати учун ахборот тизимини ва маълумотлар узатиш тармоғини яратиш.	Тадбирлар режаси	2018 йил I чорак	12 000,0 млн сўм 3 000,0 млн сўм 1 500,0 минг АҚШ доллари	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари Ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида Халқаро молиявий институтлар ва халқаро донорлар кредитлари ва грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, ИИВ ФВВ, «Ўзтрансгаз» АК
23.	Мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари иши самарадорлигини таъминлаш мақсадида тез тиббий ёрдам станциялари ва кичик станцияларини, шунингдек тез тиббий ёрдамнинг ихтисослаштирилган автотранспортини ва бригадаларини компьютер ва телекоммуникация ускуналари, алоқа воситалари ва GPS-куза-	Тадбирлар режаси	2017 — 2020 йиллар	15 510,0 минг АҚШ доллари	Халқаро молиявий институтлар ва донорлар кредитлари ва грантлари	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Суммаси	Молиялаштириш манбалари	Бажарувчилар
	тиш билан жиҳозлаш, шунингдек республиканинг бутун ҳудуди бўйича тез тиббий ёрдамни шошилиш чакоришнинг ягона телефон рақами узлуксиз ишлашини таъминлаш.					

Изоҳ: Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш предмети ва соҳасига боғлиқ равишда қайта кўриб чиқилиши ёки ягона ҳужжатга бирлаштирилиши мумкин.

Чора-тадбирлар дастурини амалга оширишга харажатларнинг жами: 133 263,7 млн сўм ва эквивалентда 32 621,8 минг АҚШ доллари, ундан:

Давлат бюджети маблағлари	77 708,0	млн сўм
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағлари	50 350,7	млн сўм
Бажарувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари	5 205,0	млн сўм
Халқаро молиявий институтлар ва донорларнинг маблағлари	32 621,8	минг АҚШ доллари